

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ТОШКЕНТ- 2013

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси

Жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ.

Бугунги кунда таълим сифат самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани, аини пайтда кенг қўламли ахборотлар оқими таълим мазмунини мунтазам янгилаб, такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлашда ягона давлат талаблари асосида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқув-адабиётлари билан таъминлаш, педагогларга узлуксиз методик хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги тез ўзгарувчан иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаёт ўқувчи ёшлар дунёқарашини шакллантириш янги педагогик интерфаол методлардан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Анъанавий машғулотлар олиб бориш аста секин ўз ўрнини интенсив ва интерфаол методларга, ноанъанавий дарс ўтиш ишларига бўшатиб бермоқда.

Билим қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчи дунёқараши, интеллектуал салоҳияти шунчалик ривожланади ва камол топади. Ҳозирги кунда ўқувчилар учун информацион саводхонлик таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Узлуксиз таълим тизимининг ўрта бўғини бўлган умумий ўрта таълим мактаблари олдида қўйилган давлат талабларига мувофиқ, мазкур таълим муассасалари таълим – тарбия жараёнининг самардорлигини ошириш, илм – фаннинг сўнги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб – ҳунарли, Она Ватанга садоқатли, миллий ва умуминсоний кадриятларни ардоқлайдиган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат, жамият ва оила олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис эътибор билан баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш таълим – тарбия жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Таълим – тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштиришни талаб этади. Чунки уни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай технология кутилган самарани бермайди.

Бу кундаги ўқитувчи тайёр электрон ресурслар ёрдамида дарс ўтиш билан чегараланмасдан балки, таълимий ресурсларни яратиш ҳамда уни амалда қўлловчи ўқитишнинг замонавий технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш фан ва унинг таркибига кирувчи билимлар мазмунини ўқувчиларга етказиш малакасига эга шахс сифатида фаолият олиб бориши лозим.

Таълим тизимини модернизациялашда таълимнинг барча бўғинларида тобора фаол қўлланилаётган илғор педагогик технологияларнинг турли йўналиши ўқувчиларнинг маънавий кучи, қобилиятларини очиш учун мақбул шароит яратиб бермоқда. Таълим тизимида йил сайин ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари, таълим жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилаётганлиги барчамизга маълум. Айниқса, таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, технология, ахборот, компьютер, мултимедиа, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва шунга ўхшаш ахборот-коммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш ўзининг самарасини бермоқда. Шу ўринда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш, берилаётган билимларни тушуниш даражаси, хотирада сақлаш ва уни қўллаш имкониятларини юксалтириш мақсадида интерфаол электрон

доскалардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишда кўл келади. Бунда фойдаланаётган технологияларни барча имкониятлари мужассамланади.

Таълим-тарбия жараёнининг доимий равишда оптималлашиб бориши дарс бериш жараёнида қўлланилаётган янги ва такомиллашиб бораётган педагогик технологияларни турли йўналиш ва мақсадларда қўлланилаётганлигига боғлиқ.

Хозирги кунда ишлаб чиқариш технологиялари тезлик билан ривожланаётган бир даврда таълим соҳаси ҳам бошқа ишлаб чиқариш муассасалари каби илмий, асосланган янги педагогик технологиялар, информацион маълумотларни қўллаган ҳолда малакали мутахассислар фаолият юритадиган рақобатбардош, илмий, билимли кишиларни Ватан равнақи учун тайёрлаб берадиган соҳа сифатида ривожланиб бормоқда.

Хар бир педагогик технологиянинг асосий мақсади пировард натижага эришиш йўллари бандма-банд аниқлаш ва унга сўзсиз эришишдан иборат.

Педагогик технологияни ҳар томонлама пухта ўйланган педагогик лойиҳалаштириш, таълим жараёнини ташкил қилиш ва албатта ўқувчи ва педагог учун эркин, қулай шарт-шароит яратиш орқали ҳамжиҳатликда ишлаб чиқилган модел десак бўлади.

Таълим жараёнида шахсга мурожаат қилмасликнинг иложи йўқ. Шахс бу жараёнда қандай вазифани бажариши керак - мақсад вазифасиними ёки унга эришиш учун восита вазифасиними?

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси бола шахсини бутун бир таълим тизимининг марказига қўяди ва унга табиатан берилган ўз қобилиятини рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама қулай, хавфсиз, эркин шарт-шароит яратади. Ўқувчи шахси бу технологияда нафақат субъект балки кенг имкон берилган субъект бўлиб у таълим тизимидаги асосий бўлмаган мақсадларга эришиш воситаси эмас, балки унинг асосий мақсади ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг яна бир муҳим тарафи таълим жараёнидаги боланинг ўрни ва унга катталарнинг муносабатидир.

Педагогик технологияни лойиҳалаштиришда ўқувчи шахсининг индивидуал ҳамда ёш хусусиятлари, унинг тайёргарлик даражаси ҳисобга олиниши муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик технологияларнинг асосийларидан бири –бу шахсга йўналтирилган таълим технологиясидир. Шахсга йўналтирилган таълим бу табиий тизим ҳисобланиб, ўқувчининг ноёб шахсий ривожланиши, унинг ўзига ҳос қобилиятларини ва психологик йўналишларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси инсонийлик фалсафаси, психологияси ва педагогикасининг уйғунлигини намоён этади. Педагогнинг диққат марказида ўзининг максимал имкониятларини ишга солиб билим олишга интилаётган, янги тажриба-синовларни қабул қила оладиган ва ҳаётнинг ҳар хил ҳолатларида мустақил,онгли ва масъулият билан қарор қабул қилишга қодир бўлган бутун бир ноёб боланинг шахси турмоғи лозим. Ўқувчига ижтимоий нормалар асосида билим берувчи анъанавий педагогик технологиялардан фарқли ўлароқ шахсга йўналтирилган таълим технологиясида юқорида қайд қилинган йўналиш(сифат)ларни шахс томонидан забт этилиши тарбиянинг асосий мақсади қилиб қўйилади.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчи шахсидаги мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатларини тарбиялайди.

Бунда ўқувчини таълим тизимида мослаштирмай, балки ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиши учун имкон берилади, унинг ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш, фаоллаштириш хусусиятлари асосида англаш, мушоҳада қилиш, ўз амалий фаолиятида синаб кўриш, янги ғоя ва фикрларни билдириш, мавжуд муаммолар ечимининг самарали йўллари кидириш учун эркинлик бериш, ўқувчининг ижодий, танқидий тафаккурини ривожлантириш учун

шароит яратилади. Ҳар қандай ўқувчи ўзига хос такрорланмас табиати, характер хусусиятини фаоллаштиришга, намоёни қилишга интилади.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллар (муаммоли-изланиш, тадқиқот, диалог, эвристик суҳбат, мунозара, гуруҳларда ишлаш) дан фойдаланиб, шундай шарт-шароитларни таркиб топтириши лозимки, натижада ўқувчи учун дастлаб нейтрал бўлган объект қутилмаганда субъектив хусусият касб этсин.

Бунинг учун ўқув материаллари мазмунини ўқитувчи томонида ўқувчини қизиқтирадиган, унинг шахсий тажрибасига мос келадиган, фикрлашга ундайдиган, ижодий ёндошган ҳолда қайта ишланади.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқув жараёнини лойиҳалашнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олишни, яъни ўқувчи шахси моделига аввалдан белгилаб қўйилган талаблардан йироқ бўлишни тақозо этади. Ижтимоий ўсиш жараёнларининг шахсга бўлган таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи ўзини ёшлик даври нашидасини сезиши, баҳолат даврида эркин, мустақил, ижодкор ва ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб ўсишини ҳисобга олиш зарур омиллардан биридир.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг асосий принципи- ўқувчининг индивидуаллигини тан олиш ва унинг ривожланиши учун зарур ва етарли шароит яратишдир. Ҳар бир ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, индивидуал ишлаш учун ўқув жараёнини ўзгача ташкиллаштириш лозим бўлади. Бунинг учун ўқув матнлари, дидактик материаллар, улардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар, ўқув диалоглари шакллари, ўқувчилар билимининг назорат қилиш шакллари махсус лойиҳалаштирилиб, ўқувчиларнинг билим олиши ва ривожланишига қаратилади. Шахсга йўналтирилган таълимда педагогик жараён шахсда белгиланган сифатларнинг шаклланишига қаратилади. Педагогик жараён бу белгиланган мақсадга эришиш ҳамда шахснинг хусусият ва сифатларини ижобий томонга ўзгартиришга қаратилган тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги аниқ бир муддат ва маълум тарбиявий тизимда махсус ташкил этилган ўзаро муносабат.

Жараён ҳолат давомийлиги, инсоннинг ривожланиши, бирор бир натижага эришиши йўлидан узвий давом этаётган ҳаракатлар жамланмаси.

Педагогик жараён-тарбия жараёнининг асосий тизим бирлиги. Унинг хусусияти шундан иборатки, у ўқитувчи ва ўқувчининг педагогик муносабат тизимини белгилайди.

Агар тарбия жараёни тушунчаси мақсадга йўналтирилган шахсга маълум сифатларни шаклланиш таъсирини амалга оширишга қаратилган ҳаракат бўлса, педагогик жараён тушунчаси олдиндан ташкил этилган тарбиянинг ўзаро таъсир тизимини билдиради.

Бундай иш турида **таълим жараёнининг вазифалари**:

- ўқувчиларни билим олиш фаолиятини кучайтириш;
- билим олиш фаолиятини такомиллаштириш;
- фикрлаш, ижодкорлик қobiliятини ривожлантириш;
- диалектик- дунёқараш ва инсонпарвар-эстетик маданиятини шакллантириш;
- таълим(тарбия) малакаларини такомиллаштириш.

Педагогик жараёнининг асосий вазифалари:

Таълим берувчи- илмий билим асосларини ўзлаштириш, амалий фаолият ва ўқув тарбиявий тажрибанинг мотивацион шаклланиши;

Тарбиявий- одамлар муносабатидаги маълум бир сифат, хусусиятнинг шаклланиши;

Ривожлантирувчи- шахснинг психик жараёни, хусусияти ва сифатининг шаклланиши ҳамда ривожланиши;

Ўқув жараёнининг таркибий компонентлари:

1.Таҳлил, синтез, таққослаш, тизимлаш.

2. Илмий қараш ва қонуниятларни билиш, сабабли алоқаларни тушуниш, англаш.
3. Маҳорат эгаллаш ва тизимлаш.
4. Амалиётда мавжуд муаммоларни мустақил ҳал этиш фаолияти.
5. Ўз-ўзини назорат қилиш, эришилган билимларни ташхис қилиш.
6. Фаолият натижасининг идеал даражада бўлишини олдиндан билиш.

Шахсга йўналтирилган жараённинг дидактик таъминлашни ишлаб чиқишда қуйидаги асосий талабларга риоя этиш мақсадга мувофиқдир:

- ўқув материали ўқувчининг ўзига хос тажрибасини намоён қилишга ва аввал ўзлаштирган билимларини камраб олган ҳолда тузиш;
- дарсликдаги ўқув материалининг баёни (ўқитувчи томонидан) нафақат ҳажмини кенгайтириш, яхлитлаш, мазмунини умумлаштириш балки ҳар бир ўқувчининг шахсий тажрибасини ўзгартиришга қаратилган бўлиши;
- ўқитиш жараёнида ўқувчи тажрибасини доимо берилаётган билимларнинг илмий мазмуни билан мувофиқлаштириб бориш;
- ўқувчи билим олиш жараёнида ўзининг билимини оширишга, ривожлантиришга, фикрини ифодалашга имконият яратиш;
- ўқув жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, ўқувчи вазифаларни бажариш тартибини ўзи танлай олиш имконига эга бўлиши;
- ўқувчиларни мустақил ишлашга ва ўзи учун ўқув материални ўзлаштириши қулай бўлган усуллардан фойдаланишга имкон яратиш;
- ўқув материалларини бажаришга умумий тушунчалар беришда фаннинг ўзига хос томонларини шахснинг ривожланишидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш;
- ўқувчиларнинг нафақат эришган натижаларини, балки ўқиш жараёнини, ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш вақтида бажараётган фаолиятларини назорат қилиш ва баҳолаб бориш.

Ҳар бир ўқувчининг ривожланиши ва ўз-ўзини намоён қилиши учун қуйидагиларни ўз ичига олган ўқув муҳитини ташкил қилиш лозим:

- турли мазмун, шакл ва турдаги ўқув материалларини тайёрлаш ва фойдаланиш;
- ўқувчига топшириқлар берганда унга топшириқни бажариш усуллари танлаш имконини бериш;
- ўқувчиларни ижодий фаоллаштириш мақсадида, ноанъанавий, яқка ва гуруҳда ишлаш шаклларида фойдаланиш;
- мустақил ва оммавий ижодий фаолият учун шароит яратиш;
- машғулотларда кичик гуруҳларда ишлашни ташкил қилиш (тренинг, имитацион-ролли ўйинлар, диалог);
- индивидуал дастурлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;
- лойиҳалаш методидан фойдаланиб ўқув жараёнини ташкил қилиш;

Ўқитувчи шундай муҳит яратиши керакки, ҳар бир ўқувчи билим олишдаги хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб ўз-ўзини намоён қила олсин. Таълим жараёни нафақат информацион, балки, ривожлантирувчи ҳам бўлиши керак. Ўқитувчининг ҳар бир ўқувчининг хулқини, бажараётган фаолиятини кузатиб, маълумотлар банкини тўлдириб бориши ва бу маълумотлардан шакллантирилган ўқувчининг “портрети”дан (тафаккури, фанларга қизиқиши, диққати ва бошқалар) таълим беришда фойдаланиши таълим самардорлигини оширади.

Шахсга йўналтирилган дарснинг асосий талаблари

Мақсад: билим олиш фаоллигини намоён қилиш учун шароит яратиш.

Мақсадга эришиш воситалари:

- ўқувчиларнинг субъектив тажрибаларини аниқлашга имкон берадиган ўқув фаолиятининг турли шакллари ва усулларида фойдаланиш;
- дарс жараёнида бутун синфнинг фаоллигини ошириш учун муҳит яратиш;

- ўқувчиларнинг ўз фикрини билдиришга, хато қилишга ёки нотўғри жавоб олишга чўчимасдан топшириқларни бажаришда турли усуллардан фойдаланиш;
- ўқувчи фаолиятини фақатгина натижага қараб эмас (тўғри, нотўғри) балки ушбу натижага эришиш жараёнига қараб баҳолаш;
- ўқувчининг қандай усулда ишлашни (масалани ечимини топиш) ўзи танлашга интилишига шароит яратиш, дарс давомида бошқа ўқувчиларнинг иш усуллари таҳлил қилиш, энг қулай усулларни танлаш, ўзлаштириш;
- ўқувчига тазйиқ ўтказмаслик ҳамда камчилигини бўрттирмаслик;
- паст ўзлаштириш, ўзини ёмон тутиши сабабларини аниқлаш ва уларни ўқувчининг шахсиятига зарар етказмайдиган тарзда бартараф этиш;
- дарс жараёнида “муваффақият муҳитини” яратиш, ўқувчига ўқишда муваффақият қозонишига ёрдам бериш, унинг ўз кучи ва иқтидорига ишончини орттиришдан иборатдир.

Индивидуал шахсни ривожлантириш мақсадида ўқув фаолиятини ташкил қилиш йўллари

Топшириқ турлари:

1. Ўз-ўзини англаш имконини берувчи топшириқлар (ўқитувчининг ўқувчиларга мурожаати “Ўзингни англа, ўзинг билиб ол” жумлалари билан ифодаланади):
 - ўз-ўзини баҳолаш (ўқитувчининг тайёрлаган режаси, схемаси, алгоритми бўйича бажарилган ишни текшириш, хатоларини таҳлил қилиш);
 - мазмун бўйича бажарилган ишнинг усулини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш (масаланинг ечиш усулини рационалиги, иншо режасининг ифодалилиги, лаборатория ишидаги амалларнинг кетма-кетлиги);
 - ўқувчини ўқув фаолият субъекти сифатида ўз-ўзини баҳолаши (ўз ишини режалаштира оламанми, ўз ҳаракатларимни ташкил қила оламанми, эришган натижаларимни баҳолай оламанми);
 - ўқув фаолиятида ўзининг иштирокини баҳолаши (фаоллик даражаси, бошқа иштирокчилар билан ҳамкорлиги, ташаббускорлиги, ижодкорлиги);
 - дарсни ҳамда уй вазифасини билиш қобилиятларини аниқлаш (диққат, идрок, хотира ва бошқалар);
 - “Кўзгули топшириқлар” - ўқув мазмунида берилган қаҳрамонларда ўзининг шахсий хусусиятларини топиш (масалан, адабиёт фанида).
2. Ўз ўрнини белгилаб олишга имконият берувчи топшириқлар (ўқитувчининг ўқувчига мурожаати “Ўзинг танла” жумласи билан ифодаланади):
 - турли ўқув мавзуни асосли танлаш;
 - турли йўналишлардаги сифатли топшириқларни танлаш (креативлик, назарий, ихчамлиги ва бошқалар);
 - ўқув балининг даражасига мос келадиган ўқув фаолиятини танлаш имконини берувчи топшириқлар;
 - ўқув фаолияти усулини асосли танлаш имконини яратувчи топшириқлар (ўқитувчи ва синфдошлар билан ўзаро алоқа қилиш усуллари, вазифаларни ким билан ва қандай бажариш);
 - ўқув фаолиятини танлаш (қиска вақт давомида мавзуни ўзлаштириш, мавзуни бўлақларга бўлиб ўзлаштириш);
 - ўқувчилар томонидан қайси йўналишда ривожланишини танлаш.
3. Ўқувчиларни ҳамкорликда ривожланишига қаратилган топшириқлар (“Ҳамкорликда ижод қилинг”):
 - турли технология ва шакллардан фойдаланиб, гуруҳларда ижодий ишлаш: “ақлий ҳужум”, ролли ўйинлар, гуруҳларда ишлаш, проект методи ва бошқалар;

- биргаликда бажараладиган “оддий” ижодий топшириқлар (жамоа билан, жуфтликларда иншо ёзиш, гуруҳларга бўлиб лаборатория ишини ёзиш ва бошқалар);

- гуруҳларда ўқитувчи томонидан ўқувчиларга вазифаларни, ўрнини бўлиб берган ҳолда биргаликда ижодий топшириқни бажариш: гуруҳ бошлиғи, “безатувчи”, экспорт-контролёр ва бошқалар;

- ролларни тақсимлаб, ижодий ролли ўйинлар ташкил қилиш (тақсимланган роллар ўзаро боғланган, ижодий намоён бўлишга имкон бериши, индивидуал ва умумий ижодий натижага эришишга қаратилган бўлиши керак);

- биргаликда ишлашда иштирокчиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини кўзлаган топшириқлар (масалан, ўзининг нерв системасининг хусусиятларини аниқлаш бўйича тажрибалар ёки чет тилида бир-биридан интервью олиш);

- фаолиятнинг натижаси ва жараёнини биргаликда таҳлил қилиш (масалан, гуруҳнинг ҳар бир вакили томонидан мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини муҳокама қилиш, гуруҳ ишини баҳолаш);

- ўқув фаолиятининг индивидуал мақсади ва режасини ишлаб чиқишда бир-бирига ёрдам бериш (лаборатория ишларини бажариш бўйича режасини биргаликда тузиш, назорат ишига тайёрланиш бўйича индивидуал режани биргаликда ишлаб чиқиш);

4. Ўзини ўзгартириш, ривожланишга қаратилган топшириқлар ва биргаликда ишлаш усуллари (“Ўзинг учун ўзингни ўзгартир”):

- ўқув фаолиятини баҳосиз бажариш бўйича топшириқлар (масалан, уйда турли масалаларни ишлаб келиш бўйича йўлланма бериш);

- ўқувчи томонидан ўз хоҳиши билан ўзининг бажарган фаолият натижаларини таҳлил қилиши;

- бир неча масалаларни ечиб бўлгач (масалан, математик масалалар) ўқитувчи томонидан берилган мезонлар асосида ҳар бир ўқувчи томонидан ўз ишини баҳолаш;

- ўқишдаги шахсий истикболларни белгилаб олишга қаратилган топшириқлар (ўқув фаолияти натижаларини режалаштириш, шакл, муддатларини режалаштириш);

- ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган субъектив мураккаб машғулотлар ва вазиятлар (масалан, тарих фанидан маъруза ёзиш, лекин маъруза баҳоланмайди, олдинги қилинган маърузалар билан таққосланиб, натижалари таҳлил қилинади);

- турли хусусиятларни (сабр, ижод, ўзаро таъсир қилиш ва бошқалар) намоён бўлишини талаб этувчи, ўқувчи ўз хоҳишидан келиб чиқиб танлай оладиган топшириқлар (баҳоланмайди);

- касбий қизиқишидан келиб чиқиб танлашга имкон яратувчи топшириқлар.

Педагогнинг маҳорати Давлат таълим стандартлари асосида таълим мазмунини белгилаб, ўқитишнинг оптимал метод ва усуллари кўллаб билишда. Таълим технологияси - қуйидагиларни ўз ичига қамраб олган системали даражадир:

- таълим-тарбиядан кўзланган мақсад;
- таълим мазмуни;
- педагогик ҳамкорлик воситалари;
- ўқув жараёнини ташкил қилиш;
- ўқувчи-ўқитувчи;
- фаолият натижаси.

“Педагогик технология”нинг маъноси кенг бўлиб, “таълим методикаси” дан фарқ қилади. Қандай қилиб энг самарали йўл билан таълимни бошқариш ва таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш мумкин деган саволга ана шу педагогик технология жавоб беради.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси қуйидагича тавсифланади:

- номарказлашганлик(антропоцентрик);

- инсонпарварлик;
- психотерапевтик йўналганиги;
- Боланинг эркин,ижодий ва ҳар томонлама ривожланишини асосий мақсад қилиб қўйиши.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясидаги фундаментал ғоя тушунтиришдан тушунишга, монологдан диалогга, назоратдан ривожланишга,бошқаришдан ўзини ўзи бошқаришга ўтишдан иборат. Педагог асосий урғуни “фанни” билишга эмас аксинча, мулоқотга ўзаро бир бирини тушунишга ҳаракат қилиб, ўқувчини ижод қилиши учун уни “озод”қилишга қаратиши керак. Ижод ва изланиш ўқувчининг шахсга йўналтирилган таълим технологияси муҳотидаги борлигинингасоси бўлмоғи лозим. Аммо ўқувчининг жисмоний,интеллектуал ва рухий ҳолати мустақил равишда таълимдаги ижодий изланиш талаб қиладиган топшириқларни бажаришга ва ҳаётий муаммоларни ечишга етарли эмас. Шунинг учун унга педагогик қўллаб қувватлаш ва ёрдам керак бўлади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг тавсифидаги мана шулар “калит”(Ключевые слова) сўзлардир.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси ўз ичига қуйидаги технологияларни ҳам қамраб олади:

- ✓ шахсга инсонпарварлик ёндошуви;
- ✓ ҳамкорлик технологияси;
- ✓ ўйин технологияси;
- ✓ коммуникатив таълим технологияси;
- ✓ эркин тарбия технологияси;
- ✓ болани қўллаб-қувватлаш технологияси.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясига қўйиладиган талаблар:

- диалог(ўзаро суҳбат);
- фаоллик ва ижодкорлик;
- боланинг индивидуал ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- ўқувчига мустақил ижод қилиши, қарор қабул қилиши, таълим олиш тури ва услубларини танлаши учун кенг имконият яратиб бериш;

Педагог қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- санъат,ижодкорлик ва болага ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- инсоний,педагогик позицияда бўлиш;
- болаларнинг рухий ва жисмоний соғлом бўлиши ва болалик экологияси ҳақида қайғуриши;
- доимий равишда маданий-информацион,фанни ривожлантирувчи янгиликлардан унумли фойдаланиб таълим жараёнини бойитиб бориши;
- таълим мазмуни билан ишлашни билиши ва унг шахсга йўналтирилган шакл бера билиши;
- ҳар ҳил педагогик технологиялардан фойдалана олиши ва уларга шахсни ривожлантирувчи йўналиш бера олиши;
- ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини қўллаб-қувватлаши ва уларни ривожлантириш ҳақида қайғуриши.

Шахсга инсонларварлик ёндошуви технологияси

Бу технология аввало шахсни инсонпарварлик ёндошуви,психотерапевтик йўналиши билан бошқа технологиялардан ажралиб туради. Булар ўз ўрнида мажбурлашни қоралайди ва аксинча болани ҳар томонлама ҳурмат қилиш,уни яхши кўриш ҳамда боланинг ижодкорлик имкониятларига оптимал ишонч билан қараш ғояларини илгари суради. Бу технологияда шахсга муносабат бирламчи бўлиб индивидуал ёндошув ,ноталабчан демократик бошқарув ҳамда ёрқин инсоний қарашлар бошқа йўналишлардан устун туради.

Ҳамкорлик технологияси.

Ҳамкорлик технологияси педагог билан ўқувчи ўртасидаги тенглик, демократия ҳамда субъектлар орасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга оширади. Педагог билан ўқувчи ҳамкор ва ижодкор сифатида иш юритиб биргаликда машғулот мазмуни, мақсадини аниқлайдилар ва биргаликда баҳолайдилар.

Эркин тарбия технологияси.

Эркин тарбия технологиясида асосий урғу боланинг ўз ҳаётий фаолияти давомида мустақил фикр юритиши ва танлаш эркинлигига қаратилади. Танлаш ҳуқуқига эга бўлган ўқувчи субъект вазифасини бажаришга ташқаридан бўлган таъсир остида эмас, балки ўзининг ички кечинмаларидан келиб чиққан ҳолда интилиб аёло даражада бажаради. Анъанавий таълим тизимидаги ҳар қандай педагогик технологиянинг асосида тушунтириш ётади, лекин шахсга йўналтирилган таълим технологияси асосида эса тушуниш ва ўзаро бир бирини тушуниш ётади. Бу тушунчага В.С. Библер шундай изоҳ берган; тушунтиришда битта онг, битта субъект иштирок этиб монологни ҳосил қилади. Тушунишда иккита онг, иккита субъект иштирок этиб ўзаро (бир бирини) тушуниш, диалогни ҳосил қилади. Тушунтириш доим “юқоридан паст”га бўлган қараш, яъни “сўзини ўтказиш”ни англатади.

Тушуниш эса бу мулоқот, ҳамкорлик, ўзаро (бир бирини) тушуниш демакдир.

«Командада ўқитиш» методи

Командада ўқитишда ўқувчилар тенг сонли иккита командага ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Команда аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир ўқувчи мавзудан қўзда тутилган билим, қўникма ва малакаларни ўзлаштиришга эътиборни қаратади. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси муаллифларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, ўқувчиларга топшириқларни ҳамкорликда бажариш учун кўрсатма берилиши етарли эмас. Ўқувчилар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик ҳар бир ўқувчининг қўлга киритган муваффақиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қулай ижтимоий-психологик муҳит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир ўқувчининг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина ўқувчилар ўзининг дарс давомида эришган натижаси командага фойда келтиришни англаган ҳолда масъулиятни ҳис қилиб, кўпроқ изланишга, билим, қўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш

Бу ёндошувда кичик гуруҳлар 4 та ўқувчидан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзунини тушунтиради, сўнгра ўқувчиларнинг мустақил ишлари ташкил этилади. Ўқувчиларга берилган ўқув топшириқлари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир ўқувчи топшириқнинг маълум қисmini бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир ўқувчи ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сўнгра гуруҳ аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хулоса чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳ ахборотини тинглайди ва тест саволлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Ўқувчиларнинг кичик гуруҳлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи

Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи 1976 йили Тел-Авив университети профессори Ш.Шаран томонидан ишлаб чиқилган. Бу методда кўпроқ ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишига эътибор қаратилади.

Ўқувчилар алоҳида-алоҳида ёки 6 кишилик кичик гуруҳларда ижодий изланиш олиб борадилар. Ижодий изланиш кичик гуруҳларда ташкил этилганда дарсда ўрганиш лозим бўлган ўқув материали кичик қисмларга ажратилади. Кейин бу қисмлар юзасидан топшириқлар ҳар бир ўқувчига тақсимланади. Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчи умумий топшириқнинг бажарилишига ўз хиссасини қўшади. Кичик гуруҳларда топшириқ юзасидан мунозара ўтказилади. Гуруҳ аъзолари биргаликда маъруза тайёрлайди ва синф ўқувчилари ўртасида ўз ижодий изланишлари натижасини эълон қилади. Кичик гуруҳлар ўртасида ўтказилган ўқув баҳси, мунозара ўқувчилар жамоасининг ҳамкорликда бажарган мустақил фаолиятининг натижаси, якуни саналади. Ҳамкорликда ишлаш натижасида қўлга киритилган муваффақиятлар синф жамоасининг ҳар бир ўқувчининг мунтазам ва фаол ақлий меҳнат қилишига, кичик гуруҳларни, умуман синф жамоасини жипслаштиришга, аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги қутилмаган вазиятларда қўлланиб, янги билимларнинг ўзлаштиришига боғлиқ бўлади.

«Нуктаи назаринг бўлсин» методи.

Услуб мақсади:

-ўқувчилар муайян муаммога ўз нуктаи назарини асосли далиллаб, ҳимоя қилишга ўрганадилар;

-ўқувчига муаммо муҳокамаси жараёнида ўз фикрини ўзгартириш имконини бериш;

-ўқитувчи барча ўқувчиларни мунозарага жалб этиш ва синфдаги ҳамма ўқувчилар ўртасида мунозара жонланишини юзага келтириши мумкин.

«Нуктаи назаринг бўлсин» услуби ўқувчилар ўртасида мунозара юзага келиши ва улар мунозара жараёнида ўз фикрларини ўз синфдошларидан уларнинг нуктаи назарини ўзгартиришга ишонтирадиган ғояларни эшитиб ўзгартириш ёки аввалгисини мустаҳкамлаш имконини бериш мақсадида қўлланади. Ўқувчилар шунингдек, мактаб, минтақа, республика ва жумла инсоният учун характерли бўлган энг долзарб муаммолар ўз нуктаи назарларини асосли далиллаш ва ҳимоя қилишга ўрганадилар.

Ўқувчи очикдан-очик саволлар услуби билан одатда дарс жараёнида фаол бўлмаган ўқувчиларни мунозарада иштирок этишга мажбур қилади.

Машқни ўтказиш услубияти

1. Тайёргарлик: ўқитувчи синфнинг тўрт бурчагига ёки синфнинг маълум очик маконига тўртта табличка осиб қўяди.

2. Синф ўлчам ёки ўқувчилар сонига боғлиқ ҳолда олти ёки саккиз кўнгиллини чақиради. Борди-ю, ўйинда синф ўқувчиларнинг бир қисми иштирок этса, унда қолганлари ўз жойларида ўтираверадилар.

3. Ўйин пайтида банд бўлиши учун иштирок этмаётган ўқувчиларга ҳам топшириқ бериш зарур.

Ўйиннинг ўзини бошлашдан аввал ўқитувчи дарсга йўл-йўриқлар бериши зарур, жумладан:

1.Таъкидлов ўқиб берилганидан кейин ўз фикрингизга мувофиқ табличкалар ёнидан жой эгалланг.

2. Ўз нуктаи назарингизни асосли далиллаб беришга шай туринг.

3. Агар муаммога нуктаи назарингизни ўзгартиришга ундовчи асосли далилни эшитсангиз, ўз ўрнингизни алмаштиришингиз мумкин.

4.Синфдошларингиз таъкидларига ўз фикрингизни баён этишга шай туринг.

5. Ўқитувчи ўйинда иштирок этмаётган ўқувчиларга топшириқлар беради, масалан:
- уларнинг фикрича энг аҳамиятли таъкидловларни ёзиб бориш;

- ўйин жараёнида ўз ўрнини ўзгартирмаган ўқувчиларни ёзиб бориш;
- энг асосли далиллаб берилган жавобларни ёзиб бориш.

Ҳамкорликда ўқитишнинг «Биргаликда ўқиймиз» методи

Ҳамкорликда ўқитишнинг «Биргаликда ўқиймиз» методи 1987йили Миннесот университети профессорлари Д.Жонсон, Р.Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган. Синф ўқувчилари 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ дарсда бажарилиши лозим бўлган топшириқни маълум қисмини бажаради. Гуруҳлар топшириқларнинг тўлиқ бажарилиш натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур методнинг асосий принциплари-командани тақдирлаш, ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, муваффақиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтириш.

Эркин фикрлаш дарслари. Эркин фикрлаш дарслари илмий-оммабоп адабиётлар, вақтли матбуотда чоп этилган мақолалар ва бу мақолаларнинг муҳокамаларига бағишланади.

Эркин фикрлаш дарсларидан кўзда тутилган мақсад:

1. Ўқувчиларнинг билим доирасини, илмий дунёқарашини кенгайтириш.
2. Ўқувчиларни илмий, илмий-оммабоп мақолалар, рисоалар, китоблар билан таништириш орқали уларнинг билим олиш ва фанга бўлган қизиқишларини орттириш.
3. Ўқувчиларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни эгаллашларига эришиш.

Мунозарали дарсларнинг муваффақияти кўйидаги масалаларни тўғри ҳал этишга боғлиқ:

- ўқувчиларнинг дарсга қизғин тайёргарлик кўришига;
- улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ёрдам уюштирилишига;
- ўқувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини тўлиқ баён қилиши ва мантиқан далиллашига;
- ўқувчиларда бошқаларнинг фикрини сабот ва чидам билан тинглаш кўникмаларининг ҳосил қилинганлигига;
- ўқитувчининг иқтидори, эътиқоди, ўқувчиларнинг билим фаолиятини фаоллаштира олиш кўникма ва малакаларига эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Эркин фикрлаш дарсларини ўтказиш учун ўқувчиларга кўпгина илмий, илмий-оммабоп мақолаларни ўқишни тавсия этамиз.

Танқидий тафаккур

. «Танқидий тафаккур» услуби ўқувчи кўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгачаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишига асосланган. Одатда бундай зарурат мубоҳаса характерида эга масалаларни ҳал этаётганда юзага келади масалан: мактабларда ягона мактаб формаси керакми? Жамоа транспортида мактаб ўқувчилари учун бепул йўлкара жорий этиш керакми? Ва шунга ўхшаш масалалар. Бу нарсга ўқитувчига ўқувчиларнинг тинглаш ва мулоқот қилиш кўникмаларини, турли нуқтаи назардан тушуниш малакасини ривожлантириш, бахсли масалаларни ҳал қилиш, тахлилий мушоҳада юритиш ва фикрлаш лаёқатини ошириш, уларнинг ўз фикрини шакллантириш маҳоратини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

«Танқидий тафаккур»ни ўтказиш услубияти.

1.Ўқувчиларга мубоҳаса характеридаги муаммо, топшириқ ёки чалкаш масала кўйилади ва қуйидаги саволлар берилади:

- Нима деб ўйлайсиз?
- Фикрингиз қанақа?

-Сизнингча қандай?

Бу каби саволлар ўқувчи ўз нуқтаи назарини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

2. Ўқувчига ўз нуқтаи назари, фикрини ишлаб чиқиш учун имконият ва фурсат берилади.

3. Ўқувчи ўз фикрини асослайди, бунда унинг нуқтаи назарини аниқлаб олиш учун қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Нега бундай деб ўйлайсиз?

-Нималар асосида бундай хулосага келдингиз?

4. Ўқитувчи кўриб чиқиладиган масала юзасидан бошқа фикрда бўлган таълим олувчиларга сўзлаш имкониятини беради, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Кимда бошқа фикр бор, нега?

-Ким айтилган фикрни маъқулламайди, нега?

5. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда ҳар хил нуқтаи назарларни муҳокама қилиш воситасида барча фикрларни таҳлил қилиб чиқади, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Нега бошқа ўқувчининг нуқтаи назарини маъқулламайсиз?

-Ўз нуқтаи назарингизни тасдиқловчи асослар келтира оласизми?

6. Муаммони топшириқ, масала, чалкаш масала бўйича қабул қилинган қарорга ўқувчилар томонидан ўз нуқтаи назарларини қабул қилиши ёки қайта баҳоланиши билан эришилади, бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Сизнингча, кимнинг нуқтаи назари энг мақбул?

-Юзага келган вазиятдан қайси йўл билан чиқиш маъқулроқ?

«Танкидий тафаккур» услубини ўтказиш қоидалари:

1-аниқ-расо белгилаб қўйилган вақтда ўқувчилар кўрсатилган топшириқ ёки чалкаш масаладаги ролларни ижро этишлари лозим.

2-роль ўйналиши натижаларига кўра ўйин муҳокамаси ва баҳоланиши амалга оширилади. Иштирокчилар ва кузатувчилар ўйин пайтида содир бўлганларни таҳлил қилиб чиқиш ва муҳокама қилиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Бунда қуйидаги саволларни бериш мумкин:

-Ролли ўйин ўтказиладиганда қандай натижаларга эришилиши?

-қайси муаммо тилга олинди, у ўз ечимини топдими?

-Борди-ю ўйин шартлари ўзгартирилса, натижалар қандай бўларди?

«Ролли ўйин» услубини ўтказиш қоидалари.

1. «Ролли ўйин»ни ўтказиш учун белгиланган вақт регламентига аниқ риоя этиш лозим.

2. Ролли ўйинда иштирок этмаётган ўқувчилар кузатувчилар сифатида ишга солиниши ёки ёрдамчи ролларини (М: баённома ёзиб боровчи) ижро этиш лозим.

3. Ўйин муҳокамаси пайтида ўқувчилар айтган фикрлар бошқа нуқтаи назарда бўлган ўқувчилар томонидан назарда тутилган регламент доирасида асосли танқидга ёки муҳокамага тортилиши мумкин.

4. Зарур бўлиб қолган тақдирда баён этилган фикрга тузатишлар киритиш керакки, бу нарса ҳақ ёки фикрни аниқ-расо ва қисқача ифодалаш имконини беради.

Ижодий ўйинлар

Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, мантикий фикрлашини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўқувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини

ижодий қўллаш ва излаш орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим.

М: биология дарсларида ижодий ўйинли дарслардан «Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари», «Органик олам эволюциясининг далиллари»ни ўрганишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқувчилар гуруҳларга тенг бўлиниб, уларнинг ҳар бирига шартли равишда «Ботаниклар», «Зоологлар», «Эволюционистлар» деган ном берилади. Ҳар бир «мутахассислар» гуруҳи ижодий изланиб, гўёки фанда янгиликлар кашф этадилар. Ўқитувчи томонидан тавсия этилган топшириқларни кўргазмалар курулларга таянган ҳолда бажариб ўз жавобларини асослайдилар.

Мазкур дидактик ўйинли дарсларда ҳамма ўқувчилар ҳамкорликда ишлайдилар. Аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўлаб янги билимларни эгаллайдилар. Бу эса ўқувчиларнинг ўз билимларига, иқтидорига ишонч уйғотади. Натижада ҳар бир ўқувчи сидқидилдан ва жиддий тайёргарлик муваффақиятнинг гарови эканлигини англайди ва янада кўпроқ билим олишга киришади.

“Ўз ўрнини топ ” методи

Агар синфда у ёки бу мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса бу метод ёрдамида муаммонинг ечимини топиш мумкин. Бунда ўқувчилар ўз фикрини баён қилиши, мулоқот кўникмаларини қайтадан тузатишга имкониятлар мавжуд бўлади ва дарс сўнгида ўқитувчи томонидан мавзунини ўзлаштириш даражасини баҳолаш аниқ амалга оширилади.

1.Синфнинг қарама-қарши бурчакларига 2та плакат осилади. Уларнинг бирига “Розиман”, бошқасига “Рози эмасман” деган сўзлар ёзилиши керак. Плакатларда баъзи бир мавзуга оид саволлар бўйича билдирилган қарама-қарши фикрлар ҳам ёзилиши мумкин. Масалан: “Анжир гуллайди ва мева тугади ”, ёки “Анжир гулламасдан мева тугади ”.

2.Дарсни ташкил этиш қоидалари муҳокама қилинади.

3. Қаралаётган муаммо юзасидан ўз фикрларига мос келадиган плакат ёнига бориш зарурлиги талабларга тақлиф этилди.

4. Бўлинган ўқувчилардан ўз қарашларини асослаш сўралади. Бу пайтда бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиш рухсат этилади ва шу тариқа синфга ўқувчиларнинг ҳаммаси жалб этилади.

5. Ўқувчилар ичида муаммо юзасидан энг ишончли фикр айтганини аниқлаш сўралади.

“3х4” технологияси

Технологиянинг тавсифи.Ушбу машғулот талаба (ёки ўқувчи) ларни аниқ бир муаммони яқка ҳолда (ёки кичик жамоа бўлиб фикрлаб ҳал этиш,ечимини топиш, кўп фикрлардан керагини танлаш, танлаб олинган фикрларни уммлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо(ёки мавзу) юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек,фикрларни маъқуллаш олишга ўргатади.Бу технология талаба (ёки ўқувчи)лар билан аввал яқка ҳолда,сўнгра уларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади.

Технологиянинг мақсади:талаба (ёки ўқувчи)ларнинг эркин, мустақил ва мантикий фикрлашга,жамоат бўлиб ишлашга,интилишга;фикрлашни жамлаб,уларни назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга; жамоага ўз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга,қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллаш олиш ўрганиш.

Технологиянинг қўлланиши: семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида яқка тартибда (ёки кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда) ўтказиш ҳамда гуруҳ аъзоларини

бир неча маротаба жойларини ўзгартириб берилган вазифаларни бажаришга мўжжалланган.

“Мулоқот” технологияси

Технологиянинг таснифи. Ушбу технология талаба(ёки ўқувчи)ларнинг дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин баён этишга ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда, бундай машғулот талаба (ёки ўқувчи)ларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда ўтказилади.

Технологиянинг мақсади: танланган мавзу, муаммо асосида талабаларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрам бериш, эркин ҳолда баҳслашишларига шароит яратиш, мулоқотга кириш ва мулоқот қила олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: амалий, лаборатория, факультатив машғулотларда ва дарсдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий соатларда қўлланилиши мумкин бўлиб, машғулот жамоа ва кичик гуруҳ шаклида ўқув аудиториясида ёки табиат қўйнида ўтказилиши мумкин.

Ўйин технологияси

Ўйин инсон фаолиятининг меҳнат ва ўқув турлари билан бир қаторда туради ва мавжудликнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Таърифи: ўйин-бу ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга ва яратишга қаратилган вазиятлар шароитидаги фаолият тури бўлиб, ҳатти-ҳаракат устидан ўзини ўзи бошқариш юзага келади ва такомиллашади(Селевко Г.К.).

Инсоний амалиётда ўйин фаолияти қуйидаги вазифаларни бажаради:

- кўнгил очиш(ўйиннинг асосий функцияси-қизиқиш уйғотиш, вақтичоғликни таъминлаш, жонлантириш);
- коммуникатив-мулоқот диалектикасини эгаллаш;
- ўз-ўзини намоёни қилиш;
- терапевтик(ҳаётий фаолиятда юзага келадиган турли қийинчиликларни енгиб ўтиш);
- ташхисли(меъёрий ахлоқдан четга чиқишни аниқлаш);
- миллатлараро коммуникация: барча халқлар учун ягона бўлган ижтимоий-маданий қадриятларни эгаллаш;
- миллатлараро коммуникация: барча халқлар учун ягона бўлган ижтимоий-маданий қадриятларни эгаллаш;
- ижтимоийлашув(ижтимоий муносабатлар тизимига киришиш, инсоний ҳаёт меъёрларини ўргани).

Фаолият сифатида ўйин тузилмасига мақсадни аниқлаш, режалаштириш, мақсадни жорий этиш, шунингдек, натижалар таҳлили ҳам табиий ҳолатда киради, уларда шахс ўзини субъект сифатида тўлиқ намоёни қилади. Ўйин фаолияти мотивацияси унинг ихтиёрийлиги билан, танлаш имкониятлари билан ва мусобақалашув унсурлари билан таъминланади, ўз мавқеини аниқлаб олишда, ўз-ўзини намоёни қилишда эҳтиёжлар қаноатлантирилади.

Жараён сифатида ўйин тузилмасига киради: а) бажариш учун ўзига олган роллар; б) бу ролларни амалга ошириш воситаси сифатида ўйинли ҳаракатлар; в) предметлардан ўйин учун фойдаланиш, яъни ҳақиқий буюмларни шартлилари билан аламаштириш; г) ўйин иштирокчилари ўртасидаги реал муносабатлар; д) сюжет(мазмун)-ўйинда шартли ишлаб чиқиладиган воқелик соҳаси.

Ўйин ўқитиш методи сифатида авлодлар тўплаган тажрибани ёш авлодга етказиши қадимдан маълум. Ўйин ўзбек халқ педагогикасида, мактабгача таълимда, мактабдан ташқари корхоналарда кенг тарқалган. Замонавий олий таълимда ўқув жараёнини

фаоллаштиришга ва жадаллаштиришга йўналтирилган ўйин фаолиятдан қуйидаги ҳолатларда фойдаланилади:

- тушунчаларни, мавзуларни ва ҳатто ўқув предметининг бўлимини эгаллаш учун алоҳида технологиялар сифатида;
- бирмунча йирик технологиянинг элементи(баъзан бирмунча аҳамиятли) сифатида;
- машғулот(дарс) ёки унинг қисми(кириш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, машқ, назорат)сифатида;
- аудиториядан ташқари ишлар технологияси сифатида (“Қилни қирқ ёриб”, “Заковат”, КВН ва б.)

“Ўйинли педагогик технологиялар” тушунчаси турлича педагогик ўйинлар шаклида педагогик жараёни ташкиллаштириш методлари ва усулларининг етарлича кенг гуруҳини қамраб олади.

Машғулотларнинг ўйинли шакли дарсда ўйин усуллари ва вазиятлари ёрдамида яратилиб, талабаларни ўқув фаолиятига рағбатлаш ва қизиқтириш воситаси сифатида намоён бўлади. Ўйинга оид усуллар ва вазиятларни амалга ошириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича боради: дидактик мақсад талабалар олдига ўйинли масалалар кўринишида қўйилади; ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсинади; ўқув материалидан унинг воситаси сифатида фойдаланилади; ўқув фаолиятига мусобақа унсурлари киритилиб, улар дидактик масалаларини ўйин вазифаларига ўтказди; дидактик топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.

Ўқув жараёнида ўйин технологияларининг ўрни ва мавқеи, ўқув ва ўйин элементларини чоғиштириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик ўйинлар фунукциялари ва таснифларини тушунишига боғлиқ.

Биринчи навбатда ўйинларни фаолият турлари бўйича ажратиш лозим: жисмоний(двигателли), интеллектуалли(ақлий), меҳнатий, ижтимоий ва психологик.

Педагогик жараён характери бўйича ўйин қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- а) ўргатувчи, машқ қилувчи, назоратловчи ва умумлаштирувчи;
- б) билишга оид тарбияловчи, ривожлантирувчи;
- в) номахсул, махсулдор ва ижодий;
- г) коммуникатив, диагностик, касбга йўналтирувчи, психотехник ва б.

Ўйин методикаси характери бўйича: предметли, сюжетли, ролли, ишбилармонлик, имитацион ва ўйин-драма.

Предметли соҳа бўйича ўйинлар: ўқув режасидаги барча предметлар-философия, педагогика, математика, социология ва бошқа фанларга оид.

Ва, ниҳоят, ўйин технологияларининг ўзига хослигини кўп жиҳатдан ўйин ўтказиладиган муҳит(объект) аниқлаб беради: предметли, предметсиз; столда, уйда, кўчада; компьютерли, телевизорли, ЎТВ; олға ҳаракатланишнинг турли техник воситалари ёрдамида.

Ўйин технологияларнинг мақсадли йўналтирилганлиги

Дидактик мақсадлар: дунёқарашни кенгайтириш, билув фаолияти; билим, кўникма ва малакаларни амалиётда қўллаш; амалий фаолият учун зарур бўлган алоҳида кўникма в малакаларни шакллантириш; меҳнат кўникмаларини ривожлантириш.

Тарбияловчи мақсадлар: мустақилликни, эркинликни тарбиялаш, муайян ёндашувларни, мавқеларни, ахлоқий, эстетик ва дунёқарашга оид установкаларни шакллантириш; ҳамкорликни, жамоатчиликни, коммуникативликни, муомалаликни тарбиялаш.

Ривожлантирувчи мақсадлар: диққатни, хотирани, нутқни, тафаккурни, таққослаш, солиштириш кўникмасини, ўхшашини топишни, мулоҳазалашни, ижодий қобилиятларни, рефлексияни, эмпатияни, мақбул ечим топиш кўникмасини ривожлантириш; ўқув фаолияти мотивациясини ўстириш.

Ижтимоийлаштирувчи мақсадлар: жамият меъёрлари ва қадриятларига аралашув; муҳит шароитларига кўникиш; кучли эҳтиросли назорат, ўз-ўзини ростлаш; мулоқатга ўргатиш; психотерапея.

Ўйин технологиясининг концептуал асослари

Ўйин фаолиятининг психологик механизмлари шахснинг ўз-ўзини намоёни қилиш, ўз-ўзини таъкидлаш, ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини ростлаш, ўз-ўзини жорий қилиш каби фундаментал талабларга таянади.

- Ўйин-психоген хулқ шакли, яъни шахс табиатидан келиб чиқадиган ички мавжуд бўлган феъл-атвор кўринишидир(Д.Н.Узнадзе).
- Ўйин-боланинг “ички ижтимоийлашуви” фазоси, ижтимоий установакаларни эгаллаш воситаси(Л.Г.Выготский).
- Ўйин-тасаввурлашда шахс эркинлиги, “амалга ошмайдиган қизиқишларни ҳаёлий жорий этиш”(А.Н.Леонтьев).
- Ўйинда фақат ўз хусусий ва ички мазмуни бўйича индивид учун аҳамиятли мақсад касб этган ҳаракат амалга ошади.Ўйин фаолиятининг асосий ўзига хослиги ҳам ана шунда унинг асосий жозибалиги ҳам ана шунда (С.Л.Рубинштейн).
- Дидактик ўйин-бу моҳиятан ўзида муайян мотивацияни, ўқувчиларнинг билув фаолияти тузилмасини ва ўзлаштиришнинг бошқариш тизимини эгаллаган яхлит дидактик жараёндир(В.П.Беспалко).

Ўйинга қўшилиш қобилияти инсон ёши билан боғлиқ эмас, бироқ ҳар бир ёшда ўйин ўзига хослик касб этади.Шу боисдан мактабгача давр учун, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун, ўрта ва катта мактаб ёшидагилар учун ва катталар учун ўйин технологиялари бир-биридан фарқланади.

Ўйин технологиясининг алоҳидалиги

Таъкидлаш жоизки, дидактик ўйинлар ишбилармонлик ўйинларидан тубдан фарқланади. Кейинги ўқитиш вазифасини қўймайди, жараёнлар эса мутахассислар томонидан экспериментал мақсадлар учун ўрганилади, яъни фаолиятнинг турлича моделлари ўйнаиб, бошқа усуллар билан кўринмайдиган якуний натижаларни кўради. Дидактик ўйинларда эса ўқитувчи учун барча натижалар олдиндан маълум ва у ўқитиш мақсадида ўтказилади.Ўйин асосида қурилган дидактик жараёнларнинг фарқли алоҳидалиги шундаки, бу жараённинг мотивацион босқичида юқори ҳис-ҳаёжонли стимуляция, таклиф қилинган ўйинни ўйнаш хоҳишининг аниқ ифодаси мавжуд бўлади.

Биз бу ерда **ишбилармонлик ўйини технологияси** босқичларини келтириш билан чегараланамиз.

Тайёргарлик кўриш босқичи:

- машғулотнинг ўқув мақсади;
- ўрганилаётган муаммо тавсифи;
- қўйилган вазифаларнинг асосланиши;
- ўйин режаси;
- ўйин муолажаларининг умумий баёни;
- вазиятлар мазмуни;
- роль ижро этувчиларнинг тавсифи;
- моддий таъминотни тайёрлаш;

- маслаҳат.

Ўтказиш босқичи:

- манбалар билан ишлаш;
- тренинг;
- ақлий ҳужум;
- ўйин техникаси билан ишлаш;
- гуруҳларнинг чиқиши;
- натижалар ҳимояси;
- мунозара қондаси 4
- экспертлар иши.

Таҳлил ва умумлаштириш босқичи:

- ўйиндан чиқиш;
- таҳлил, рефлексия;
- ишни баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш;
- хулосалар ва умумлашмалар;
- тавсиялар.

Ўйин технологиясининг турлари ва тузилмаси, ўқув машғулотларини ўтказишнинг ўйин методлари

Педагогик амалиётда қўлланиладиган ўйинлар фаол ўқитиш методлари сирасига киради, чунки унда, талаб, ўқувчининг маҳсулдор-таълимий фаолияти устуворлик касб этади.

Ўқув ўйинлари учун алоҳидалик:

- ечимнинг кўп вариантлилиги ва муқобиллилиги, улардан бирмунча самаралисини танлашни амалга ошириш талаб этилади;
- ноаниқлик шароитида ва шартли амалиёт муҳитида ечимни қабул қилиш зарурати;
- стандарт ҳолатдан фарқ қиладиган ўйинни ўтказиш шартларининг хилма-хиллиги, уларнинг мутахассиснинг бўлажак фаолиятида учраши;
- қисқа муддатда ўйиннинг ўтказилиши, вазиятларни бир неча қайта такрорлаш имконияти;
- қабул қилинаётган ечим натижаларининг кўрсатмаллилиги;
- назарий билимларни амалий касбий фаолият билан интеграцияси, мутахассислик бўйича малакаларнинг ҳосил қилиниши;
- индивидуал ўқитиш имкониятларининг мавжудлиги.

Ўйинда талабаларнинг маҳсулдор ижодий изланиш тафаккури умумий ҳолда эмас, балки бўлажак касбий фаолиятини бажаришга нисбатан ривожланади. Ўйин давомида ечим мақбул деб топилса, уни алмаштириш имконияти мавжуд, бу учун орқага қайтилиб зарури қабул қилинади, унинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш учун синалган усул билан таққосланади. Бунда талабаларга турли ролларда бўлиш ва ўз ечимларини таклиф қилишлари учун имконият бериш мақсадида ўйин вазият бир неча марта қайта такрорланади.

Ўқув ўйинлари талабаларда мустақил ишлаш кўникмаси, ижодий фикрлаш қобилияти ва жамоани бошқариш, ечим қабул қилиш ҳамда уни бажаришни ташкил этиш малакаларини ривожлантиради ва мустаҳкамлайди.

Ўйин давомида талабларда қуйидаги кўникма ва малакалар ҳосил қилинади:

- ечим қабул қилиш учун зарур ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;

- тўлиқ бўлмаган ёки ишончли ахборотлар етарли бўлмаган шароитда ечим қабул қилиш, қабул қилинган ечим самарасини баҳолаш;
- муайян турдаги масалаларни таҳлил қилиш; бўлажак касбий фаолиятнинг турли соҳалари ўртасида боғланишлар ўрнатиш;
- жамоада ишлаш, гуруҳли фикрлаш усулларида фойдаланиб, биргаликда қилишилган ечим ишлаб чиқиш;
- жараён ва ходисаларни татқиқ қилишда тизимли ёндашувдан самарали ижодий фойдаланиш асоси сифатида абстракт ва тимсолли фикрлаш.

Ўйинли ўқитиш методи кўп функционалли ва инсоннинг турли психологик хусусияти ва сифатларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун қўлланиши мумкин: касбий йўналтирилганлик, ақлий мустақиллик у ёки бу фаолият соҳасидаги билим, кўникма ва малакалар: билиш ва касбга оид масалаларни ижодий ўқиш, ташкилотчилик ва коммуникатив сифатлар, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш ва б. Ўйинли ўқитиш вазифалари ичида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим: инструменталли-кўникма ва малакаларни шакллантириш; гностик-билим ва тафаккурни шакллантириш; ижтимоий-психологик-талабада коммуникатив сифатларни шакллантириш. Таъкидланганлар билан бир қаторда ўйинли ўқитишнинг диагностик, мотивацион, моделлаштирувчи, ташкилий ва креатив, назорат ва тузатиш функциялари жорий этилади.

Ўйинли ўқитиш методи- нафақат қатнашчиларнинг фаоллиги билан, балки анъанавий методларга нисбатан талабаларнинг катта интеллектуал ва психологик муҳит билан ҳам фарқланиб туради. Ўқитувчи ўйинли машғулот ишлаб чиқиб, режалаштириши асосида унинг дидактик хусусиятларини аниқ тасаввур қилиши ва ҳисобга олишлари зарур.

Ўқитувчи учун дидактик ўйинлар кўп меҳнат талаб қиладиган машғулот туридир. Уларни ўтказишга тайёрланиш ўқитиш жараёнини чуқур англаш орқали педагогдан кўп вақт сарфлашини талаб этади. Педагогик тажрибалар таҳлили, 15 кишилик гуруҳ билан 1 соат муайян вазиятлар устида ишлаш ўртача мураккабликда 12-15 соат тайёргарлик ишларини талаб этади.

Савол туғилади: ўйин методлари мураккаблиги билан, ишлаб чиқишга кўп вақт ва куч сарфланиши билан сермашаққат эмасми? Анъанавий тарзда маърузалар ўқиш, амалий машғулотларни ўтиш енгил-ку? Агар ўйиннинг барча афзалликларини тарозига қўйсак, унда уларни қўллашдан келадиган фойда, ишлаб чиқаришдаги харажатларни сезиларли даражада қоплаши мумкин. Албатта, ўйинларни ишлаб чиқишнинг мақбуллиги ўқув фанларининг ҳажми, уларни ўрганишда ечиладиган мақсад ва вазифаларга, талабаларни касбий тайёрлаш ҳиссасига боғлиқ бўлади.

Ўйинларни ўтказиш методи сифатида баҳолашда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олиниши зарур:

- биринчидан, ўйинлар бошқа ўқитиш методларига нисбатан битта рад этиб бўлмайдиган афзалликка эга: олинган билимларни танлаган касбга мувофиқлигини таъминлаш хусусияти;
- иккинчидан, бир марта ишланган намунали ўйин қатор йиллар давомида ўқитишнинг самарали инструменти сифатида талабаларнинг бир неча авлодларига хизмат қилиши мумкин. Албатта, ўйинлар мазмуни фаннинг мазмуни ўзгаришига мос равишда янгиланиб бориши лозим;
- учинчидан, ўқитишнинг ўйин методлари талабанинг касбий фаолиятни эгаллаши ва билимларни тўғридан тўғри аралашувсиз ёки педагог ёрдамисиз ўзлаштиришни таъминлайди, бу фаолият мазмуни қизиқтиришнинг кучли воситаси ҳисобланади;
- тўртинчидан, шартли амалиёт ҳолатида масъулиятли ечим қабул қилиш кўникмасини эгаллашнинг мақсадли эканигини баҳолаш қийин. Ўйинда

бўлажак мутахассисларнинг мустақил касбий фаолиятга ўтишда юзага келадиган фаол хатоликларини йўқотиш мумкин;

- бешинчидан, ўйинда ўқитиш жараёни тадақиқот вазифалари билан самарали бириктирилиши мумкин, бу ҳолат талабаларга ҳаракатдаги тадқиқотчилик методикасини намойиш қилишга имкон беради. Шу боисдан ўйинни ўтказиш режасини ишлаб чиқишда тадқиқотга тегишли бўлган қатор савол(муаммо)лар, шунингдек, ўйин қатнашчиларидан алоҳида гуруҳни ажратиш ва унга хусусий натижаларни ўлчаш ва қайд этиш вазифасини юклаш олдиндан қаралади;
- олтинчидан, бўлажак мутахассис учун муаммони қўйиш, ечимни гуруҳ бўлиб танлашда индивидуал устуворлиги ва уни жорий этишни келишиш тажрибасини эгаллаш алоҳида аҳамият касб этади;
- еттинчидан, ўйин гуруҳли тафаккурлашни ривожлантиради, жамоа таркибида ҳаракатланиш кўникмасини таркиб топтиради;
- саккизинчидан, ўйинлар(синов стендида текшираётган каби) бошқаришнинг янги шакл ва қоидалари тузилмасини, меъёри ва методикасини синовдан ўтказишга шароит яратади.

Шундай қилиб ўйинлар кенг дидактик имкониятларга эга. Улар ёрдамида фавқулодда кенг спектрдаги кўникма, малака ва касбий шахс сифатларини шакллантириш мумкин. Бу эса ўйинга тайёргарлик ва ўтказишнинг қандай ташкил этишига, унинг асосига ўқитувчи(ёки ишлаб чиқарувчи) томонидан қандай мотивлар қўйилишига боғлиқ.

Ўйинли ўқитиш методларининг юқори самарадорлиги анъанавий метод билан таққослаганда **жиддий афзалликлар билан фарқланади. Уларнинг баъзиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:**

- қабул қилинган ечим натижаларининг аниқлиги: ўйинда батафсилликка аҳамият бермаслик, информацион салмоқдан ишга тааллуқли бўлмаган реал жараёнлар хусусиятларидан келиб чиқадиган “шовқинларни ўчириш мумкин”;
- вақтнинг ўзгарувчанлик кўлами: ўйин “тез” ёки “секин” тарзда воқеа боришини бошқаришга имкон беради. Шартли амалиёт ҳолатида тузилдиган ўйинда, бир неча соат ёки бир неча йил “яшаш” мумкин;
- кўрсатманинг ўзгариши: ўқитиш давомида малакаларнинг тўпланиши билан тажрибани такрорлаш: бир вазиятнинг ўзини ҳар гал ечимга янгича ёндашган тарзда бир неча марта қайта ўйнаш мумкин;
- камраб олиш кўламини ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги турли шароитларда жиддий ечимларни излаб топиш муддатини етарлича қисқартириш мумкин.

Ўқув режасига ўйин дарсини киритиш ечими мутахассис бўйича ўқитишнинг умумий графикасини ишлаб чиқиш босқичида қабул қилинади. Бундан олдин мутахассис тайёрлашнинг тугунли нуқталари ва уларга оид ўйинли ўқитиш методини қўллаш мақсадга мувофиқ белгилаб олинади. Уларни ўқув режага шундай жойлаштириш лозимки, ҳар машғулот бир фан бўйича эмас, балки бир неча аралаш ўқув предметлари бўйича билимларни жамлашни талаб этсин. Бунда ўйин машғулотлари пастки курслардан юқорига ўтиши давомида такомиллашиб бориши, мумкин қадар амалиётда учрайдиган реал воқеаликларни камраб олиши шарт.

Ҳар бир семестрда 2-3ўйинни режалаштириш ва ўтказиш, бунда аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, касбий ролларни ижро этиш, имитацион машқлар бажариш каби ўйин машғулотларини ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўйинни ўтказиш вақтини режалаштиришда машғулотлар жадвалига қўйиладиган **умумий талаблардан** ташқари қуйидаги **жиҳатларни** кўзда тутиш лозим:

- ўйин асосий курс маърузалари ўқилган ва талабалар унда иштирок этишлари учун назарий жиҳатдан тайёр бўлгач, режалаштирилгани маъқул;
- ўйин учун алоҳида бошқа машғулотлар билан юкланмаган кунларни ажратиш тавсия этилади, сабаби қатнашчиларнинг диққат ва эътибори ўйинда тўпланиши лозим. Агар ўйин 2 ёки 4 соатга мўлжалланган бўлса, унда уни ўқув якунида якунлаш мақсадга мувофиқ, чунки талабалар ўйиндан кейин роллардан тез чиқиб кетиб, бошқа ўқув фанларига тезда ўтиша олмайди;
- ўйин таълим оловчиларнинг кўп вақти ва диққатини олади, шунинг учун ўтказиш вақти семестрда бажариладиган ишларнинг умумий жадвали билан мослаштирилиши зарур.

Ўқув ўйинларини ўтказишда инфор­мацион таъминот муҳим роль ўйнайди, у қатор ташкил этувчилардан иборат:

- ўйин машғулотларига киритиладиган вазиятларнинг тавсифи;
- ўйинни ўтказиш вақти ва унинг мураккаблиги ҳамда аҳамиятини ҳисобга олган натижаларни баҳолаш мезонлари;
- ўйин машғулотларини режалаштириш ва ўтказиш мезонлари;
- ўйин машғулотларини режалаштириш ва ўтказиш ҳужжатлари;
- меъёрий ва сонли маълумотлар.

Ўйинли вазиятлар ўйин машғуло­ти дастурининг асосини ташкил этади ва батафсил унинг тавсифини қамраб олади.

Ўйинни ўтказиш вақтида ўқитувчи ва талабаларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва вазифалари, алоҳида босқичлар кетма-кетлиги, мазмун ва вақт бўйича тақсимланиши, қадам ва босқичлар қатнашчиларнинг ўзаро ҳаракатланиш тартиби қайд этилади.

Ўйинни инфор­мацион таъминлашнинг муҳим таркиби ҳужжатлаштириш ҳисобланиб, қатнашчиларга қабул қилинадиган ечимларни синчиклаб ўрганиш учун бериладиган дастлабки ва режали ҳужжатларни ва бу ечимларни бажариш натижалари қайд этилган ҳисобот ҳужжатларини мужассамлаштиради.

Меъёрий ва сонли маълумотлар, ўйин машғуло­тида қатнашчилар фойдаланиладиган ҳужжатларнинг махсус тўпламидан иборат бўлади.

Ўйин самараси ўқитиш методи сифатида анъанавийдан кўра, моддий техник таъминотга боғлиқ бўлиб, унинг таркибига аудитория, ўйин учун махсус жиҳозлар, маълумотларни акс эттирувчи воситалар, бошқариш воситалари, тренажерлар, ҳисоблаш техникалари ва ҳ.к. Табиийки, моддий техник таъминот таркиби ва жойлашиш ўйин машғуло­ти шакли, қатнашчилар сони ва бошқа қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Ўйинларни ўтказиш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш давомида қатор муаммоларга дуч келинди: ўйин раҳбари бутун ўйин давомида талабаларни узлуксиз ишчи юклама билан таъминлаши зарур. Тақомиллашув кўпчили­к ечимларнинг изчил қабул қилиниши, ўйинни бошқаришнинг мантикий тартиби билан боғлиқ.

Яна бир муаммо ҳар бир ўйин иштирокчисининг индивидуал ишларини объектив баҳолаш ҳисобланади, ўйин натижаси кўп ҳолларда аниқ бир талаба фаолияти билан боғлиқ эмас. Бу муаммо ўйинда ўқитувчининг фаол иштироки билангина ечилиши мумкин, бу ҳолатда талаба (ўқувчи) қобилияти тўғрисида бирмунча тўлиқ тасаввур ҳосил қилиниши ва бу ҳулосалардан натижаларни баҳолаш учун фойдаланиши мумкин.

Ўйин жараёнининг самарасини оширишда ўйиннинг якуний босқичи, айниқса ҳулосани муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади. Тажрибаларга кўра, агар ўйин сўнгида муҳокама ўтказилмаса ўйин давомида эгалланган кўникмалар тезда йўқолади. Ўз

навбатида ўйин натижасида олдиндан у ёки бу натижаларнинг сабабларини очиб берадиган якуний муҳокама ўйиннинг ўзи сингари жуда зарур ҳисобланади.

Якуний муҳокамани конференция методи билан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлса, ҳар бир талабада(ўқувчи) бундай машғулотнинг методик зарурати тўғрисида ўз фикрини билдиришга имкон туғилади. Албатта конференция ўқитувчининг чиқиши билан яқун топади, бунда нафақат умумий яқун ясалади, балки ҳар бир ўйин иштирокичи-талаба(ўқувчи) фаволияти билан баҳоланади.

“Чархпалак” технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология талаба(ёки ўқувчи)ларни ўтилган мавзуларни ёдга олишга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талаба(ёки ўқувчи)ларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Технологиянинг мақсади: талаба(ёки ўқувчи) ларни дарс жараёнида мантикий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яқка ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланилиши: технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни талаб(ёки ўқувчи) лар томонидан ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустақамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида яқка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: тарқатма материаллар, рангли қалам(ёки фломастер) лар.

Изоҳ: режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсади (текшириш, мустақамлаш, баҳолаш) га мос тайёрланган тарқатма материаллар (агар яқка тартибда ўтказиш мўлжалланган бўлса, у ҳолда гуруҳлар сонига қараб тарқатма материаллар тайёрланади).

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- талаба(ёки ўқувчи) ларни (шароитга қараб) гуруҳларга ажратиш;
- талаба (ёки ўқувчи) машғулотни ўтказишга қўйилган талаблар ва қоидалар билан таништириш;
- тарқатма материалларни гуруҳ аъзоларига тарқатиш;
- гуруҳ аъзолари томонидан яқка ҳолда мустақил равишда тарқатма материаллардаги вазифалар бажарилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзи ишлаган тарқатма материалнинг ўнг бурчагига гуруҳ рақамини ёзади, чап бурчагига эса ўзининг бирон-бир белгисини чизиб қўяди;
- вазифа бажарилган тарқатма материаллар бошқа гуруҳларга “чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади;
- янги гуруҳ аъзолари томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган материаллар яна юқорида эслатилган йўналиш бўйича гуруҳлараро алмаштирилади(ушбу жараён гуруҳлар сонига қараб давом эттирилади);
- материалларни охириги алмашишдан сўнг ҳар бир гуруҳ ва ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлдирилган материалларни (гуруҳ рақами ва ўзлари қўйган белгилари асосида)танлаб оладилар;
- ҳар бир гуруҳ аъзосининг ўзлари белгилаган жавобларига бошқа гуруҳ аъзоларининг тузатишларини таққослайдилар ва таҳлил қиладилар;

- ўқитувчининг тарқатма материалда берилган вазифаларини ўқийди ва жамоа билан биргаликда тўғри жавобларни белгилайди;
- ҳар бир талаба(ёки ўқувчи) тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар фарқларини аниқлайди, керакли баллни тўплайди ва ўз-ўзини баҳолайди.

Изоҳ: тарқатма материалда талаба(ёки ўқувчи)лар белгилаган тўғри жавоблар билан ўқитувчи ҳамкорлигида аниқланган тўғри жавобларнинг фарқи 55 фоиздан юқори бўлса, талаба(ёки ўқувчи) ушбу ўқув материални ўзлаштирган, ундан кам бўлса ўзлаштира олмаганлигини билдиради. Масалан, вазифалар сони 30та бўлиб, жавобларнинг 17-20таси тўғри белгиланган бўлса, талаба(ёки ўқувчи) ушбу вазифани бажарган ва ўқув материални ўзлаштира олган, агар ундан кам бўлса ўзлаштира олмаган ҳисобланади. Шу билан бирга, жавобларнинг 21-24таси тўғри белгиланган бўлса талаба(ёки ўқувчи) материалларни ўзлаштирган даражаси “яхши” баҳога, 25-30 таси тўғри бўлса “аъло” баҳога ўзлаштирган деб ҳисобланади. Талаба(ёки ўқувчи)лар баҳолари ёки балларини белгилаб олишгач, ўқитувчи вазифа бажарилган қоғозларни йиғиб олади ва баҳо(баллар)ни гуруҳ журналига кўчириб қўяди.

“Чархпалак” технологиясидан фойдаланган ҳолда машғулот ўтказиш учун талаба (ёки ўқувчи)ларга қуйидагича вазифа бериш мумкин. Вазифа учун зарур бўлган тарқатма материални иловада келтирамыз.

Вазифа. Ўқитувчининг муомала ва муносабатни бошқаришдаги ҳаракатлари қайси бошқарув усулига мансуб эканлигини аниқланг ва уларга берадиган тавсифаларини иловада келтирилган жадвалга киритинг.

ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЭВРИСТИК ТЕХНОЛОГИЯ

Муҳайё Иноятова Эгамбердиевна, ЎзПФТИ, п.ф.н.

Ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган **эвристик технология** - муаммоли ўқитиш тизимидаги асосий технологиялардан бири бўлиб, ўқувчиларга узлуксиз равишда ўзлари учун янгиликларни кашф этишга имкон яратади. **Эвристика** — грек. *heurisko* — “излайман”, “топаман”, “кашф этаман” деган маънони билдиради, у “эврика” сўздан келиб чиққан бўлиб, грек. *"heurisko"* - “топаман” деганидир. Шунга кўра, эвристик технологияда ўқувчида ижодкорлик, янгилик яратиш қобилиятини ривожлантириш ғояси етакчилик қилади. Аниқроғи, эвристик технология негизини савол-жавоб шаклидаги суҳбатлар ташкил этиб, бунда ўқитувчи болаларга тайёр билимларни бермай, балки ўқувчиларнинг аввал эгаллаган билимлари, ҳаётий тажрибалари, кузатишларига таянган ҳолда, оқилона саволлар орқали уларга янги тушунчалар, хулоса ва қоидаларни ўзлари очишлари (кашф қилишлари)га шароит яратади.

Ижодий лаёқатлар – бу шахсий фазилатларнинг тизимли намоён этилиши бўлиб, шахснинг лаёқатлари янгиликни яратиш, фавқулодда қарорлар қабул қилишида кўринади. Турли олимлар ва методистлар эвристик методни турлича талқин этадилар ва номлайдилар. Масалан, изоҳловчи суҳбат, ривожлантирувчи суҳбат, эвристик метод, аналитик усул, сукротона суҳбат, қисман изланиш усули кабилар.

Унинг негизи узоқ тарихга бориб тақалади. Қадимги Грецияда эвристик таълим-тарбия йўналтирувчи саволлар орқали билим ва тарбия беришни англатган. Ушбу атамани эрамыздан аввалги 300-йилда қадимги грек математик олими Папп Александрийский фанга олиб кирган, бу билан у маҳсулдор ижодий тафаккур негизиди кашф этиш ёки аксинча рад қилиш мумкинлигини назарда тутган. Ундан илк марта қадимги грек файласуфи Сукрот моҳирона фойдаланиб, педагогикага “Сукрот

суҳбатлари” атамасини олиб кирган. У ҳеч вақт тайёр жавобларни тақдим этмаган, балки суҳбатдошини саволлар бериш йўли билан ҳақиқатни (билимни) мустақил кашф этишга, муаммонинг ечимини мустақил топишга йўллаган. Сукрот ҳеч вақт ўзини суҳбатдошидан кўра билимдон деб билмаган, бинобарин, у ҳамсуҳбат шогирдига ўз-ўзини руҳан кашф этишига ёрдамчи деб ҳисоблаган, холос. «Ҳақиқат алоҳида бир инсоннинг миясида пайдо бўлиб қолган мавҳум нарса эмас, у ҳақиқатни излаётган кишиларнинг ўзаро мулоқоти (диалоги) жараёнида кишилар орасида вужудга келади” (Сукрот)

Сукрот методи кейинчалик Я.А.Коменский, А.Дистервег, И.Г.Песталоцци, Дж.Дьюи ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилган.

Эвристик технологиялар афзаллик билан бирга, камчиликларга ҳам эга бўлгани сабабли ундан керагидан ортиқ даражада фойдаланиб бўлмайди. Таълим жараёнида унинг камчиликларини бошқа усуллар ёрдамида бартараф этиш ҳамда бу усулдан оқилона фойдаланиш керак. Қўйида уларнинг бир қанчасини кўриб чиқамиз:

Бунда аввал қўйилган муаммони тезлик билан еча олишга қийналадиган ўқувчиларга ёрдам бериш керак. Бундай ўқувчиларда муаммони тез ечиш учун зарур кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга ҳаракат қилиш лозим.

Дарсда у қадар қийин бўлмаган муаммоларни ҳал қилиб, бирмунча мураккаброқ масалаларни уйга вазифа сифатида топшириш мумкин. Уй шароитида ўқувчининг етарлича вақти бўлади ва ўз тафаккур тезлиги доирасида ҳаяжонланмай фикрини тўлиғича муаммонинг ечимига қарата олади.

Она тили ва адабиёт таълимида ўқитувчи аввалдан эвристик суҳбат учун керакли муаммо ёки саволлар тизимини тузиб чиқади. Топшириқ очиқ характерда бўлиб, унинг барча учун бирдек ягона “тўғри” жавоби бўлмаслиги керак) эвристик шаклдаги машғулотлар тизимидан фойдаланиш мумкин. Улар: гоёни тақдим этиш, эвристик суҳбат, топшириқ тузиш дарслари, тушунчаларни конструкциялаш, ишчан ўйинлар, эвристик маъруза ва семинарлар, конференциялар, ижодий ишлар ҳимояси, рефлексив машғулотлар бўлиши мумкин.

Эвристик технологиянинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари:

Афзаллиги:

- ушбу технология ўқувчилар фикрий фаолиятини фаоллаштириш, қизиқишларини ўстириш, ўқув материални пухта ўзлаштиришлари учун қулай ҳисобланади.

Камчиликлари:

1. У тайёр билимларни шунчаки тақдим этишга нисбатан кўпроқ вақт сарфлашни талаб қилади.

2. Мазкур технологияда ўқувчиларнинг индивидуал фарқларига ноҳуш таъсир кузатилиши мумкин: уларнинг аксарияти қўйилган муаммони ечишга, ўқитувчининг саволларига жавоб топиш ва қайтаришга улгура олмайдилар. Ўқитувчи эса ўқувчиларнинг барчаси керакли ҳулосага келиши учун кутиш имконига эга эмас.

3. Эвристик суҳбатларда алоҳида ўқувчиларгина фаол иштирок этиб, қолган ўқувчилар пассив позицияда қолиб кетишлари мумкин.

**Адабиёт дарсларида эвристик технологияни қадам-бақадам қўллаш
(А.Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ҳикояси асосида ўқувчиларда ҳикоя ҳақида адабий
тушунчани таркиб топтириш):**

Дарснинг мақсади:

1. Ҳикоянинг бош масаласи унинг бадиий тўқимасига қандай қилиб сингдирилганлигини кўрсатиш;

2. Ўқувчиларда адабиёт назариясига хос атамалар ва матнни бадиий таҳлил қилиш малакасини ўстириш.

3. Ўқувчиларда ижодий қобилиятни ривожлантириш, материал ҳақида фикр юритишга ўргатиш.
 4. Гуруҳда ишлаш, бошқаларнинг фикрларини тинглай билиш, олинган ахборотларни таҳлил этиш кўникмаларини ўстириш.
 5. Монологик нутқни ўстириш.
- Дарснинг жиҳозланиши: мусиқа, тарқатма материал.
- Методик усуллар: ўқитувчининг кириш сўзи, суҳбат, гуруҳда ишлаш, ўқувчиларнинг чиқишлари.

1-қадам:

Ташкилий қисм – 2 мин.:

Ўқитувчи ўқувчиларни 6 та (ҳар бир гуруҳда 5 та ўқувчи) гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳ карточкада топшириқ олади. Ўқувчилар саволларга жавоб бериши ва ўз мавзуси бўйича хулосаларни тақдим этиши лозим. Болалар 5 балли тизим асосида гуруҳ аъзоларининг иштирок этиш даражасини белгилаб олишлари керак. Ҳар бир гуруҳ ўзига спикер ва котиб (а) сайлайди. Спикер маълумотларни тақдим этади, котиб (а) ёзувларни расмийлаштиришга кўмаклашади.

2-қадам:

Мавзу бўйича ишлаш.

Ўқитувчи янги дарс мавзусини эълон қилади ва дарснинг мақсади ҳақида қисқача маълумот беради (1 мин.).

3-қадам:

Адабий атамаларни такрорлаш (7 мин.)

- Асар композицияси нима?

(асарнинг қурилиши. Тугун, ҳаракатнинг ривожланиши, кульминация, ечим. Шунингдек. эпизод, пролог ва б.)

- Ҳикоя нима?

(ҳикоя – бу ўткир сюжет ва қутилмаган хотимага эга бўлган кичик воқеалар тизими. Ҳикоялар турли мавзуларда бўлиши мумкин: масалан болалар ҳаёти, жониворларнинг кун кечириши, юмористик ва б.).

4-қадам

Гуруҳда ишлаш.

Машғулот жараёнида машғулот руҳига мос мусиқадан фойдаланилади. Мустақил ишлаш учун 28 минут, гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг чиқиши учун – 3-5 мин. вақт ажратилади.

1-гуруҳ учун топшириқлар:

Ҳикоя композициясининг хусусиятларини аниқланг.

Ҳикоя нечта қисмдан ташкил топган?

Нима учун муаллиф ҳикояни айнан шундай шаклда тузган?

Иккинчи қисмнинг композицияси қандай тузилган? Унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Ҳикоя воқеалари қай тарзда ривожланиб борган.

Хулосалар чиқаринг

(ҳикоя 2 қисмдан иборат) Биринчи қисм иккинчиси учун асос бўлиб хизмат қилган. Биринчи қисмда муаллиф узоқ вақт давом этиб, дилларга ғашлик солган кузак шамолининг сирли ва нохуш тавсифини келтиради, тасвирда “шамолнинг дарчаларга бош уриб, уф тортиши” уй ичидаги одамларга таҳид солаётган хавфдан дарак беради. Иккинчи қисм Унсиннинг ўз уйига кириши билан бошланиб, Унсиннинг мурдаси ортилган араванинг қишлоқдан узоқлашиш тасвири билан хотималанган. Композиция тадрижий ривожланиш кўринишига эга. Бу билан муаллиф воқеаларнинг шиддат билан ўсиб ривожланиб бурганини кўрсатган).

2- гуруҳ учун топшириқлар.

Ҳикоядаги вақт ва макон тушунчаларини аниқланг.

Унсиннинг она юрти (Ганжиравон) додхонинг хонадонидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

Додхо хонадонидаги муҳитни нимага ўхшатиш мумкин?

Ҳикояда шамол ва додхо уйининг дарчаси билан боғлиқ ўринлар вақт ва макон тушунчасини аниқлашда қандай ўрин тутган?

Ҳикояда яна қандай макон (ҳудуд) тасвири мавжуд?

Хулоса чиқаринг.

(она юрти Унсинга ота-онаси ва дугоналарини ёдига солади, додхо уйи бўлса совуқ ва даҳшатли бўлиб, унда кўзига ўлим кўринаётган додхонинг ўлим ва гўристон ҳақидаги сўзларини тинглашга тўғри келади. Ҳикояда муҳим ўрин тутган яна бир ҳудуд қабристон бўлиб, у қоронғида дўппайиб турган қабрлари билан жуда ваҳимали кўринади. Бу ерда каттиқ кўркув исканжасида қолган ёш қизнинг ўтакаси ёрилиб, саломатлигига жиддий зарар етади. Додхонинг зулмидан кўрқадиган хотинлари Унсинни ҳимоя қила олмайдилар. Бу хонадон ёшгина Унсинни қабрга йўллайди).

3-гуруҳга топшириқлар.

Ҳикоя эпителикаси.

1. Ҳикоя бошидаги қайси тасвирдан бола тақдирининг фожеали бўлишини билиб олиш мумкин?

2. Гўристонга борган Унсин қандай ҳиссиётларни қалбидан кечирди?

3. “Даҳшат” сўзи нимани билдиради?

4. Унсин образини тасвирлашда муаллиф қандай воситалардан фойдаланган?

Хулосалар чиқаринг.

(Ҳикоя бошида муаллиф кузак шамолининг дарахт ва томларга урилиб, чийиллаб увиллагани, ёпиқ эшик ва дарчаларга урилиб, уф тортганини тасвирлайди. Бу эпителиклар китобхонга ҳикоянинг фожеали яқун топишини билдиради. Гўристонга борган Унсин кўркувга тушади, мурдалар ортидан қараётгандек бўлиб, даҳшатга тушади. «даҳшат» сўзи «хунук», «ярамас», кўрқинчли» кабиларни билдиради, Унсинни тасвирлашда муаллиф унинг ёшлиги, қиз болаларга хос нозик жиҳатларини тасвирловчи ифодалардан фойдаланган: «муштдай боши билан», «бозвонти (сочпопути)даги тангаларни ўйнаб», «дадасидан катта ҳайитлик олиб, бозорбошига кетаётган ёш боладай чопқиллаб» ва б. Эпителиклар асарда катта аҳамиятга эга. Муаллиф улар кўмагида Унсиннинг ҳимоясизлиги, вазиятнинг умидсизлигини кўрсатади).

4- гуруҳ учун топшириқлар.

Ҳикоядаги рамзий ифодалар:

1. Ҳикояда “Даҳшат” сўзи қандай маъно касб этган?

2. “Тириклар гўристони” тасвири асарда қандай мазмунга эга?

3. “Худди ўлим хавфидан қочгандай, бир ирғаб сандални очдида, ўзини эшикка урди” жумлалари Додхонинг қандай одам эканлигини кўрсатади?

4. Ҳикояда шамол нима учун барча нарсаларни бузиб юбормоқчидек чийиллаб, ғувиллайди, вишиллайди, бош уриб уф тортади?

Хулосалар чиқаринг.

(Додхонинг хонадони унинг саккиз хотини учун тириклар гўристонидек гап. Чунки улар бу ерда тутқунликда яшашади. «Бало-қазодек тикилиб турган додхо» Унсинга таҳдид солаётган ажал, ўлимнинг кўланкаси. Унсин унга қарши тура олмаслиги аниқ. «Ганжиравон орзуси» - бу шундай ҳиссиётки, Унсин у орқали ўз мақсадига эришишни хоҳлайди. Шундай қилиб, Абдулла Қаҳҳор Унсиннинг орзусига қарши турган кучнинг қанчалик қудратли ва айни вақтда чириб бораётганлигини кўрсатади.

“Худди ўлим хавфидан қочгандай, бир ирғаб сандални очдида, ўзини эшикка урди” жумлалари Додхонинг аслида жуда кўрқоқ одам эканлигини кўрсатади, Додхо ўлимдан кўрқади. Шунинг учун сўнгги дақиқаларини яшаётган Унсин унга азроилни эслатади. Унсиннинг ёш умрининг бевақт хазон бўлишига додхо сабабчи. Додхо умри давомида жуда кўп гуноҳ ишлар қилган. Хонадонида аёлларни кулдек ишлатган, уларни уриб, нафсониятини ерга урган. Додхо – қотил. Қотил эса ўз қурбонини кўрганида сесканиши ва қочиши табиий.

(«чийиллаш», «вишиллаш», «бош уриб уй тортиш» сўзлари ва иборалари парранда, илон ва инсонга хос ҳаракат хусусиятларининг бўрттириб, кўчма маънода тавсифланиши бўлиб, уларда шамолнинг вайрон қила олувчи куч-қуввати кўрсатилиши билан бирга, ҳикоя давомида юз берадиган фалокатга ишора қилади).

5-гуруҳ учун саволлар.

Ҳикоянинг жанр хусусиятлари.

1. Ушбу ҳикоянинг қиссадан фарқи нимада?
2. Нима учун ҳикоядаги воқеалар қайси даврда юз берган?
3. Ҳикоя сўнггида Нодирмоҳбегим нима учун “бу даргоҳни елкамнинг чуқури кўрсин” дегандай кескин бурилиб аравага ўтиради?
4. Абдулла Қаҳҳорнинг ушбу ҳикояси “Ўтмишдан эртақлар” номли ҳикоялар туркумига киритилган. Нима учун Абдулла Қаҳҳор ушбу ҳикояни шу туркумга киритган?

Хулосалар чиқаринг.

(Мазкур ҳикояда асосан 3 та асосий қаҳрамон иштирок этади. Унинг сюжет чизиғида мураккаб воқеалар тизими мавжуд эмас. Қиссада эса қаҳрамонлар сони кўп бўлиб, воқеалар ҳам бирмунча кўпроқ бўлади. Ҳикоядаги воқеалар ўтмишда, ҳали аёлларнинг ҳақ ҳуқуқлари жамият томонидан ҳимоя қилинмаган пайтда юз берган. Нодирмоҳбегим додхонинг тўнғич хотини бўлиб, умрини шу даргоҳда ўтказиб, қариб ёши бир жойга бориб қолган бўлсада, ўзи ўрганиб қолган ҳаёт тарзида воз кечади. Чунки бундай ҳаёт аёллар учун кони азобнинг ўзгинасидир. Абдулла Қаҳҳор Нодирмоҳбегим образи орқали барча аёллар учун бирдек аянчли бўлган ўтмишдаги аёллар ҳақ-ҳуқуқларининг ерга урилганини қораламоқда. Аёллар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар амал қилаётган бугунги кунда “Дахшат” ҳикоясидаги воқеалар биз учун мудҳиш бўлсада, эртақка айланган. Биз шундай воқеалар қачонлардир бўлганига ишонишни ҳам истамаймиз).

5- қадам. Якуний суҳбат. 5 мин.

Барча ўқувчиларга саволлар:

Абдулла Қаҳҳор бу таъсирли ҳикояни нима сабабдан ёзган? Бу билан ўз китобхоналарига нималарни ўқтирмақчи бўлган?

Аёлларга муносабат миллатнинг бугунги куни ва истикболини белгилайди. Уларга шундай бефарқ муносабатда бўлган давлатни бахтли истикбол кутаётганига ишониб бўлмайди. **Уйга вазифа. 2 мин.**

«Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, жамиятимизда аёлларга муносабат масаласи» мавзусида ижодий иншо ёзинг.

“Зинама-зина” технологияси

Технологиянинг тавсифи. Ушбу машғулот талаба (ёки ўқувчи) ларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича яқка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади.

Бу технология талаба (ёки ўқувчи) лар билан бир гуруҳ ичида якка ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдирот қилинади.

Технологиянинг мақсади. Талаб(ёки ўқувчи)ларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллаш олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланиши: маъруза(имконият ва шароит бўлса), семинар, амалий ва лаборатория машғулотида якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказиш ҳамда назорат дарсларида қўлланилиши мумкин.

Машғулотида қўлланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматларда тайёрланган (мавзуни ажратилган кичик мавзучалар сонига мос) چاپ томонига кичик мавзулар ёзилган таркатма материаллар, фломастер(ёки рангли қалам)лар.

Машғулоти ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи) ларни мавзулар сонига қараб 3-5кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади (гуруҳлар сони 4 ёки 5та бўлгани маъқул);
- талаба(ёки ўқувчи)лар машғулотининг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништирилади.Ҳар бир гуруҳга қоғознинг چاپ қисмида кичик мавзу ёзуви бўлган варақлар тарқатилади;
- ўқитувчи гуруҳ аъзоларин таркатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойига жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;
- гуруҳ аъзолари биргаликда таркатма материалда берилган кичик мавзуни ёзма(ёки расм, ёки чизма) кўринишида ифода этадилар.Бунда гуруҳ аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борица тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади.
- Таркатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши тақдирот қилади.Тақдирот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материаллар, албатта, аудитория(синф) доскасига мантиқан тағма-тағ(зина шаклида) илинади;
- Ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулоти якунлайди.

Изоҳ: ўқув машғулотининг бундай ташкил этилиши талаба(ёки ўқувчи) ларни мустақил фикрлашга, ўтилган ва ўзлаштирилган мавзуларни эслашга, уларни ёзма(ёки расм, чизма кўринишида) баён этишга, фикрларни умумлаштиришга ўргатади.

Илова(мисол тариқасида)

Т/р	Мавзу	Темперамент
1	Холерик	
2	Сангвиник	
3	Меланхолик	
4	Флегматик	

Мавзулар:

Сўз туркумлари(от, сифат, феъл, сон, олмош).

Йил фасллари(баҳор, ёз, куз, қиш).

Абдулла Қодирий (хаёти, ижоди, асарлари, адабий мероси ва аҳамияти)ва б.

Олинган манба:

1.Р.Ишмухамедов., А.Абдуқодиров, А.Пардаев.

“Таълимда инновацион технологиялар” .Т.:2008. Б-27,28.

МУНДАРИЖА:

- 1. “Шахсга йўналтирилган педагогик технология” бўйича аннотация.**
- 2. “Шахсга йўналтирилган педагогик технология” бўйича концепция.**
- 3. “Шахсга йўналтирилган педагогик технология” ни амалга ошириш бўйича таълим турлари.**
 - **Муаммоли таълим технологияси.**
 - **Босқичли таълим технологияси.**
 - **Танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси.**
 - **Лойиҳалаш технологияси.**
 - **Модулли таълим технологияси.**
 - **Ҳамкорликдаги таълим технологияси.**
 - **“Зинама-зина” технологияси.**
 - **Ўйин технологияси.**
 - **Ахборот-коммуникация технологиялари.**

Мазкур технологияларнинг ичидаги усуллар, уларнинг афзаллиги ва камчилиги.
- 4. “Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар” йўналишини амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар.**
- 5. “Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар” нинг адабиёт фанида фойдаланиш юзасидан намунавий дарс ишланмаси.**
- 6.Тавсия этиладиган адабиётлар.**